
Фурқат туманида эҳтиёжманд оилаларда яшовчи ҳамда уйда якка тартибда таълим олаётган болалар учун сайёр тиббий кўрик ташкил этилди.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган ҳамда болаликдан ногирон бўлган вояга етмаган 58 нафар болалар тиббий кўриқдан ўтказилди.

87 нафар диспансер назоратида турувчи болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларни соғломлаштириш ва таълимга жалб этиш чоралари кўрилди.

Жами 168 нафар болалар (невропотолог-30, жарроҳ-6, ортопед-12, ўсмирлар гинеколог-24, стоматолог-11, эндокринолог-24, педиатор-15, кардиолог-31, УЗИ-15) тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шунингдек уйда якка тартибда таълим олаётган 8 нафар болаларнинг холидан хабар олиниб, уларга таълим олишлари учун зарур воситалар, ўқув қуроллари, 4 нафарига ногиронлик аравачалари, 2 нафарига эшитиш мосламалари берилди.

Шунингдек стационар даволанишлари учун 30 нафар болаларга вилоят Даволаш-профилактика муассасаларига йўлланма берилиб, 36 нафар болаларга жаррохлик йўли билан республика ҳамда вилоят Даволаш-профилактика муассасаларида соғломлаштирилиши учун тавсия берилди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ

